



100000, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirobod tumani, Buxoro ko'chasi, 10.

10, Bukhoro street, Tashkent city,
100000, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 236-14-33, 236-14-34, 236-14-35; Fax : 233-13-57, 233-94-72. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz
Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

№ 13-15/3 OI

“27” aprel 2014 yil

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ» АЖ корпоратив
бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида**

ХУЛОСА

Кайси корхона учун тайёрланди	«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ» АЖ
Юридик манзил	Ўзбекистон Республикаси, 100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй
Банк реквизитлари	х/р 20208000900600257001, Тошкент ш., «Трастбанк» ХАБ Тошкент шаҳар филиали, банк коди 00491
Кайси корхона томонидан тайёрланди	«Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси
Юридик манзил	100 000, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10-уй
Телефон/факс:	тел: 998 (71) 236-14-34, 236-14-35, 236-14-33; факс: 233-13-57, 233-94-72
Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар	Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.
Банк реквизитлари:	х/р 20210000604014949001, Тошкент ш., АИТБ «Ипак Йули» Миробод филиали, банк коди 01101
Бош директор	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич
Баҳолашда иштирок этган мутахассисларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Нусратова Г.Р., Сайдуллаев Ш.Ш.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ» АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майдаги «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 263-сонли Қарорига мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан (31.12.2015 йилдаги 9-сон баённомага ва 30.11.2016 йилдаги 12-сон баённомага асосан) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

«Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг назорат ва масъулият доирасига киритилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **822 балл**ни ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг якуний ҳулосасига мувофиқ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ» АЖнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директор



— Ш.Я.Абдужаббаров

Хулосанинг берилган вақти 27 апрел 2017 й.

Тошкент ш.